

АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

- Ой якунларига кўра, савдолар умумий ҳажми 281,59 млрд сўм (\$22,92 млн)ни ташкил этиб, 2024 йил сентябр ойига нисбатан 1,66 трлн сўмга ёки 85,49%га камайди.
- Шу билан бирга, 211,87 млрд сўм (\$17,24 млн)и ёки 75,24% биржа котировкалаш варағига киритилган қимматли қоғозлар билан тузилган битимларга тўғри келди. Савдо ҳажмининг қолган қисми листингдан ташқари савдо майдончаси (ЛТСМ) битимларига тўғри келди.
- Биржа савдо майдончаларидаги битимларнинг умумий сони 36 966 тани ташкил этиб, 2024 йилнинг сентябр ойига нисбатан 4 242 тага ёки 12,96%га ошди. Шундан 32 160 та битим котировкалаш варағига киритилган қимматли қоғозлар билан, 4 806 та битим эса листингдан ташқари савдо майдончасида амалга оширилган.
- Ўртача кунлик савдо ҳажми 13,41 млрд сўм (\$1,09 млн)ни, ўртача кунлик битимлар сони эса 1 760 тани ташкил этди.
- Ой якунига кўра, UCI индекси 2,65 фоизга ошиб, 701,05 пунктни ташкил этди.

БОЗОР ШАРҲИ

АКЦИЯ БОЗОРИ

Акциялар бозоридаги савдолар ҳажми 189,16 млрд сўм (\$15,39 млн)ни ташкил этиб, 2024 йилнинг сентябр ойига нисбатан 1,67 трлн сўмга ёки 90%га камайди. Шу ўринда, савдоларнинг асосий ҳажми (180,76 млрд сўм) Free of Payment (FoP) платформасига тўғри келди.

Акциялар бозорида савдоларнинг ўртача кунлик ҳажми 9,01 млрд сўмни (\$732 930), битимларнинг ўртача кунлик сони эса 1 484 тани ташкил этди.

Ой якунига кўра, акциялар бозорининг капиталлашуви 8,41 трлн сўмга ёки 3,24 фоизга ошиб, 267,93 трлн сўм (\$22,20 млрд)ни ташкил этди. Эркин муомалада бўлган (free float) акцияларнинг бозор капиталлашуви 4,18 трлн сўм (\$346,20 млн)ни ташкил этди.

Ой якунига кўра, 93 та акция эмитентларининг 135 та инструментлари биржа котировкалаш варағида мавжуд эди.

Акциялар бозорининг асосий кўрсаткичлари

		09/21	09/22	09/23	09/24	09/25
Савдо ҳажми	млн сўм	12 415	34 411	15 848	1 858 576	189 161
Ўртача кунлик савдо ҳажми	млн сўм	653	1 721	792	97 820	9 008
Битта битимнинг ўртача ҳажми	млн сўм	3	7	0,4	64	6
Битимлар сони	дона	4 927	4 771	37 518	28 855	31 174
Ўртача кунлик битимлар сони	дона	259	239	1 876	1 519	1 484

UCI ИНДЕКСИ

Ой якунига кўра, УСІ индекси 2,65 фоизга ошиб, 701,05 пунктни ташкил этди.

2025 йил Сентябрь ойи учун UCI индекси графиги



ОБЛИГАЦИЯЛАР БОЗОРИ

Корпоратив облигациялар бозоридаги савдолар ҳажми 22,50 млрд сўм (\$1,83 млн)ни ташкил этиб, 2024 йилнинг сентябр ойига нисбатан 28,12 млрд сўмга ёки 55,55 фоизга тушди.

Облигациялар бозорида савдоларнинг ўртача кунлик ҳажми 1,07 млрд сўм (\$87 037)ни, ўртача кунлик битимлар сони эса 47 тани ташкил этди.

Биржа котировкаш варағига киритилган облигацияларнинг бозор қиймати 1,50 трлн сўм (\$124.66 млн)ни ташкил этди.

Ой якунига кўра, 11 та облигация эмитентларининг 19 та инструментлари Биржа котировкалаш варағида мавжуд эди.

Облигациялар бозорининг асосий кўрсаткичлари

		09/21	09/22	09/23	09/24	09/25
Савдо ҳажми	млн сўм	160	8 504	145	50 614	22 497
Ўртача кунлик савдо ҳажми	млн сўм	8	425	7	2 664	1 071
Битта битимнинг ўртача ҳажми	млн сўм	160	567	6	173	23
Битимлар сони	дона	1	15	25	292	984
Ўртача кунлик битимлар сони	дона	0,1	1	1	15	47



ЛИСТИНГ

Ой охирида биржа котировкалаш варағида 102 эмитентнинг 154 та инструменти мавжуд эди.

ЛИСТИНГДАН ТАШҚАРИ САВДО МАЙДОНИ (ЛТСМ)

Ой якунига кўра, Биржанинг листингдан ташқари савдо майдончасида 4 806 та битим тузилиб, ўтган йилнинг сентябр ойига нисбатан 35,08%га ошди.

Савдолар ҳажми 69,71 млрд сўм (\$5,68 млн)ни ташкил этиб, ўтган йилнинг сентябр ойига нисбатан 119,56 фоизга ошди.

101 та эмитентнинг қимматли қоғозлари битимлар объекти бўлди.